




Ўзбекистон Республикаси  
**Марказий банки**

**Марказий банк Бошқаруви  
асосий ставкани йиллик 14 фоиз  
даражасида сақлаб қолди**

**Матбуот анжумани  
2024 йил 25 апрель**



## Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикалари




Мартда **умумий инфляция** пасайиб, йиллик **8,0** фоиз даражада шаклланди.

*Йил бошига нисбатан 0,8 ф.б.га пасайган.*

**Базавий инфляция** ҳам пасайишда давом этиб, мартда **7,6** фоизга тенг бўлди.

*Йил бошига нисбатан 0,9 ф.б.га пасайган.*




Умумий инфляция билан базавий инфляция ўртасидаги **тафовут** 2023 йил декабрь ойидан бери **манфий** шаклланиб келмоқда.

Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари


## 2024 йил январь-март ойларидаги умумий инфляция аввалги йиллар мос даврига nisbatan pastroq shakllanmoqda

фоизда




Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

## Импорт нархлари индекси ва ФАО



Манба: Статистика агентлиги




Манба: ФАО


2024 йил март ойида ФАО озиқ-овқат нархлари индекси 118.3 фоиз пунктни ташкил қилди, бу феврал ойига нисбатан 1.3 фоиз пунктга (1.1 фоиз) юқорироқ бўлди. Индекс таркибида шакар ва дон маҳсулотлари нархлари пасайишига қарамасдан, ўсимлик ёғлари, сут маҳсулотлари ва гўшт нархларининг ошиши ўқориоқ шаклланди. ФАО индекси март ойида етти ойлик пасайишдан кейин илк марта ўсган бўлсада, йиллик ҳисобда 7.7 фоиз пастроқ шаклланди.

## Аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари

Аҳоли кутилмалари,  
фоизда



Тадбиркорлик субъектлари кутилмалари,  
фоизда




Манба: Сўров натижалари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Март ойида аҳолининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан бироз секинлашиб, **12,8 фоизни** ташкил этди. Медиана қиймати эса **10,6 фоизда** ўзгаришсиз қолди.

Тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан бироз пасайиб, **12,2 фоизга** тенг бўлди. Медиана қиймати эса **10,4 фоизда** сақланиб қолди.

## Йил якунига умумий инфляция 9-11 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда


Умумий инфляция прогнози, *фоиз*



Асосий сценарий бўйича 2024 йил якунига умумий инфляция **9-11 фоиз** атрофида бўлиши кутилмоқда.

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари


## Базавий инфляция 7-8 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда (шартли прогноз – ARIMA+QPM комбинацияси)




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

## Банклараро пул ва РЕПО бозорларида фаолликнинг сезиларли ортиши кузатилмоқда

### Банклараро пул бозори операциялари



### Банклараро РЕПО бозори операциялари




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

2024 йилнинг I чорагида пул бозорида жами **78 трлн.** сўмлик операциялар амалга оширилиб, олдинги чоракка нисбатан **49 фоизга** ортган. Шунингдек, банклар ўртасида **40,3 трлн.** сўмлик ёки ўтган йилнинг сўнгги чорагига нисбатан **26,4 фоизга** кўп РЕПО операциялари амалга оширилди. Натижада, пул бозоридаги жами операцияларда РЕПО амалиётларининг улуши **34 фоизга** етди.




## Иқтисодий ўсиш 2024 йил I чорақда 6,2 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши,  
кумулятив, фоизда



Манба: Статистика агентлиги

ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси,  
кумулятив, фоизда




Бунда, **саноат** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоизга, кўрсатилган бозор **хизматлари** ҳажми 14,2 фоизга, **қишлоқ хўжалиги** – 3,6 фоизга (0,4 фоиз банд) ва **қурилиш** соҳаси 6,8 фоизга (0,4 фоиз банд) ўсди.

Таркибий жиҳатдан ўсишга **хизматлар** (3,5 фоиз банд) ва **саноат соҳаси** (1,8 фоиз банд) катта ҳисса қўшмоқда.


## Асосий капиталга киритилган инвестициялар 74,5 фоизга ошди

### Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг реал ўсиши декомпозицияси



Манба: Статистика агентлиги

### Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар




**Марказлашмаган инвестициялар** ҳажми ушбу даврда 81,3 фоизга ошди, жами инвестициялар ўсишига 69,3 фоиз банд ҳисса қўшди.

Шунингдек, 2024 йил I чорақда иқтисодиётга **2,6 млрд доллар** миқдорида **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** кириб келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 154,1 фоизга ошди.

## Аҳоли даромадлари

Аҳоли даромадларининг реал ўсиши, фоизда



Манба: Статистика агентлиги

Трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми, млн. долл




Манба: Марказий банк

2024 йилнинг I чорагида аҳолининг **реал даромадлари 11,5 фоизга** ошди ва ўтган йиллардаги мос кўрсаткичлардан юқори бўлди. Аҳолининг реал даромадлари ўсиши пул ўтказмалари динамикаси, иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиши ҳамда ўзини-ўзи банд қилганларнинг даромадлари ўсиши билан изоҳланади.

Ушбу даврда 2,5 млрд доллар **пул ўтказмалари** кириб келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,6 фоизга** ошди.

## Иқтисодий ўсиш прогнозлари


Реал ЯИМ ўсиши прогнози, фоиз



Янгиланган прогнозларга кўра, 2024 йил якуни бўйича реал **ЯИМ ўсиши 5.2-5.7 фоиз** оралиғида бўлиши кутилмоқда. Иқтисодий ўсишнинг янгиланган прогнози аҳоли ва тадбиркорларнинг харажатларидаги **таркибий ўзгаришлар** ҳисобига келгусида истеъмол талабининг мақбуллашиши билан боғлиқ.

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

## Жаҳон иқтисодиёти ўсиши прогнози (ХВЖ, апрель 2024)




ХВЖ томонидан апрель ойида **янгиланган прогнозларга** кўра, глобал иқтисодий ўсиш январь ойи прогнозларга нисбатан 0,1 ф.б. га яхшиланиб, **3,2 фоиз** бўлиши кутилмоқда.

**Ривожланган давлатлар** келгуси йилларда ўтган йилга нисбатан юқорироқ суръатда ўсиши тахмин қилинаётган бўлса, **ривожланаётган давлатларда** прогнозлар яхшиланганига қарамай, 2023 йилга қараганда пастроқ ўсиши кутилмоқда.

**Фрагментация** жараёнлари давом этаётгани жаҳон савдо ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиб, келгуси йиллардаги прогнозларни пасайишига сабаб бўлди.


## Глобал инфляция ва пул-кредит шароитлари

### Глобал инфляция прогнози



Манба: ХВЖ, апрель 2024.


### Пул-кредит сиёсати ўзгариши ва минтақавий инфляция\*



**Глобал инфляция** пасаявчи тенденцияни давом эттириб, 2024 йилда 5,9 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Марказий Осиё ва Европа минтақадасида **охирги уч ойда** шаклланган пасаявчи инфляция марказий банкларни юмшатиш сиёсатини олиб боришга сабаб бўлмоқда. Март ойида 23 фоиз марказий банклар асосий ставкани туширишга қарор қилган бўлса, 73 фоизи ўзгартирмаслик тарафдори бўлган.

## Глобал молиявий шароитлар

### АҚШ қисқа муддатли фоиз ставкалари (1 ойлик SOFR форвард ставкаси)




### ФЗТ фоиз ставкаси прогнози

Медиана қиймати				
Прогноз даври	2024	2025	2026	Узоқ муддатда
2024 йил март ойи прогнози	4,6	3,9	3,1	2,6
2023 йил декабрь ойи прогнози	4,6	3,6	2,9	2,5

1 ойлик **SOFR форвард ставкаси** ФЗТнинг яқин келажакда ставкаларни туширмаслиги ҳақидаги кутилмалар фонида ўтган ойга нисбатан юқорилади ва жорий йил якунигача 5 фоиз кўрсаткичдан пастга тушмаслигини кўрсатмоқда (*ўтган ойда йил якунида 4,4% га тушиши кутилган эди*).

ФЗТ март ойида эълон қилган прогнозларига кўра, **фоиз ставканинг медиана қиймати** жорий йилда ўзгаришсиз - 4,6%, 2025 йилда 0,3 бандга юқорилаши прогноз қилинган. Бу АҚШ марказий банки инфляцияни жиловлash учун қатъий пул-кредит шароитларни узоқроқ сақлаб туришга тайёрлигини кўрсатмоқда.

## Реал самарали алмашув курси (РСАК)




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

РСАК йил бошидан пасаювчи тенденция намоён этиб, ўзининг ўтган йил март ойидаги даражасига етди. Йил бошидан **0,9 фоизга** қадрсизланди. РСАК нисбатан босимлар кузатилмаяпти. Бунга асосий омил ички инфляциянинг йил бошидан **пасаювчи динамикаси** ва савдо ҳамкорларда инфляцион жараёнларнинг **нисбатан турғунлиги** ва валюта курсларида кескин ўзгариш кузатилмаганлиги бўлди.



## Пул-бозоридаги фоиз ставкалар


### UZONIA бенчмарк ставкаси динамикаси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

UZONIA бенчмарк ставкаси 2024 йилда **тўлиқ фоиз коридори доирасида** асосий ставкага яқин даражада шаклланмоқда. Шунингдек, Марказий банкнинг операцион механизмига киритилган ўзгаришлар пул бозоридаги қисқа муддатли ставкаларга ижобий таъсир кўрсата бошламоқда. Хусусан, 2-7 кунлик депозитлар бўйича фоиз ставкалар март ойига келиб фоиз коридори доирасигача тушди ва 15,7 фоизни ташкил этди.

### Пул бозоридаги муддатлар кесимидаги фоиз ставкалари




## Депозитлар динамикаси

Жами депозитлар, йиллик фоизда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Аҳоли муддатли депозитлари




Жорий йил бошидан банк тизимидаги **миллий валютадаги депозитлар** қолдиғи 0,6 фоизга ошиб, 1 апрель ҳолатига 119,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Бунда, жисмоний шахсларнинг миллий **валютадаги муддатли депозитлари** қолдиғи 13 фоизга ошиб, **37 трлн. сўмни** ташкил этди.


## Депозит бўйича фоиз ставкалари

### Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари

### Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари


Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

2024 йил мартда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **21,4 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **18 фоизни** ташкил этди.

Инфляциян кутилмаларни инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,6 фоизга** ва юридик шахсларда **5,1 фоизга** тенг бўлди.

## Кредитлар бўйича фоиз ставкалари

Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари




— Миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлар  
— Миллий валютадаги узоқ муддатли кредитлар

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

2024 йил март ойида қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари **23,2 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **23,7 фоизни** ташкил этди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари март ойида мос равишда **24,7** ва **22,7 фоизга** тенг бўлди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича номинал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари



Ўзбекистон Республикаси  
**Марказий банки**

**Марказий банк Бошқаруви  
асосий ставкани йиллик 14 фоиз  
даражасида сақлаб қолди**

**Матбуот анжумани  
2024 йил 25 апрель**

